



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 4 июн, чоршанба № 86 (1511)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА СОТИЛАДИГАН ПАХТА ТОЛАСИ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Пахта толаси ишлаб чиқариш ва сотишда бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий қилиш, пахта толасининг республика бозорида рақобат муҳитини яратиш, етиштирилган пахта ва пахта маҳсулотини учун ҳисоб-китоб қилишнинг жаҳон амалиётида умумий равишда қабул қилинган шакллари ва тизимларини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:**

1. Куйидагилар: пахта маҳсулотини харидорлари ва ишлаб чиқарувчилари ўртасида ҳисоб-китобларнинг замонавий маданияти шакллари жорий қилиши; пахтани қайта ишловчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш ва шу асосда умуман иқтисодиётда маблағлар айланишини жадаллаштириш; етиштирилган пахта ҳам ашёси ва пахта толаси учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш учун ташқи савдо компаниялари ва пахтани қайта ишловчи тузилмалар айланма маблағлари (шу жумладан ўз маблағлари ва қарз олинган маблағлар)нинг барқарор манбаларини аниқлаш пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг такомиллаштиришнинг муҳим мақсадли вазирлар ҳисоблансин.
2. Куйидагича тартиб ўрнатилсин: ташқи савдо компаниялари тузилган шартномалар асосида пахта толасини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларидан улгуржи харид қилди, кейинчалик уни жаҳон пахта бозорининг шаклланаётган конъюнктурасидан келиб чиқиб экспортга, шунингдек пахта толасини эркин муомаладага валютага сотиб оладиган қўшма корхоналарга мустақил равишда сотади; республика истеъмолчилари пахта толасини ким ошди савдолари асосида Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали сотиб оладилар; пахта толасини сақлаш ҳамда экспортга ва республика истеъмолчиларига бериш фақат ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларидан (омборлардан) амалга оширилади.
3. Белгилансинки, 2003 йил пахта ҳосилидан бошлаб ташқи савдо компаниялари: ўз маркетинг стратегия-

тиш билан боғлиқ харажатларнинг чекланган миқдорлари ташқи савдо компаниялари томонидан оширилишини истисно этуви талаблар назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Вазирлар Маҳкамаси билан пахта толасини улгуржи харид қилиш юзасидан шартномалар туздилар;

ҳисоб-китоб қилишнинг акредитив шаклидан устун даражада фойдаланган ҳолда пахта толасини форвард ва фьючерс контрактлар буйича экспортга сотишдан тушган маблағлар, шунингдек қарзга олинган маблағлар ҳисобидан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилдилар.

«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларида пахта толасини харид қилиш нархлари билан уни экспортга сотишнинг амалдаги нархлари ўртасида шаклланидиган ижобий ёки салбий тафовут уни ўз айланма маблағларини тўлдирishга мақсадли йўналтирган ҳолда ташқи савдо компаниялари молия-ҳўжалиқ фаолиятининг натижаларига тегишли бўлади.


4. Куйидагилар: ташқи савдо компаниялари билан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ўртасида пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси; республика истеъмолчилари билан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ўртасида пахта толаси учун ҳисоб-китоблар схемаси маълумлансин.

5. Пахта толасини экспортга сотишнинг ва пахта толаси учун ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқлансин. Унда пахта толасини транспортда ташиш, сақлаш, юклаб жўнатиш ва экспорт қилишга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг чекланган миқдорлари ташқи савдо компаниялари томонидан оширилишини истисно этуви талаблар назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси 2003 йил 1 сентябргача бўлган муддатда республика минтақаларида қўшимча равишда камида олти ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминали ташкил этсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**  
Тошкент шаҳри,  
2003 йил 3 июн

**И.КАРИМОВ**



## ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ – МУҚАДДАС

Буни «Тошмаргег» акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган ҳар бир киши — раҳбардан тортиб ошди ишчигача яхши билади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам шунга яраша. Лоақал маргарин цехини олиб кўрайлик, «Саломатлик», «Дилафруз»... Ундан зиёд номга эга бўлган маҳсулотлар ўзининг сифатлиги, табиийлиги билан харидорларни хушнуд этмоқда.

Ишчи-ҳодимларга яратиб қўйилган шароитлар ҳам ҳавас қилгулик. Иш ҳақидан қарздорлик нима



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

**Б.А.Исламовни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида**

Бахтиёр Анварович Исламов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 3 июн

---

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

**Б.А.Исламовга Фавқуллодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабасини бериш тўғрисида**

Бахтиёр Анварович Исламовга Фавқуллодда ва Мухтор Элчи дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 3 июн

## ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА

**Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази «Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари буйича халқаро шартномалар, Инсон ҳуқуқлари буйича универсал шартномалар» тўпламини нашрдан чиқарди.**

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари ва Норматив-ҳуқуқий атамавр комиссиясининг 2002 йил 28 августдаги қўшма мажлисида нашрга тавсия этилган.

Китобни нашр этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конройнинг амалий ёрдами катта бўлди.

Ўзбек тилида тайёрланган мазкур тўплам уч бўлимдан иборат. Биринчи қисмда БМТнинг инсон ҳуқуқлари буйича 10 та универсал шартномаси, иккинчи қисмда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) қабул қилган ва инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этадиган 16 халқаро конвенция жамланган. Учинчи қисмдан ЮНЕСКО қабул қилган 2 ҳужжат ўрин олган.

Кенг жамоатчилик учун мўлжалланган ушбу ҳужжатлар тўплами инсоннинг асосий ҳуқуқларини тушунишни яхшилашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари буйича халқаро шартномалар талабларини миллий қончилиқда мустақамлаш буйича ҳуқуқий йўналишдаги фаолияти ҳақида хабардорликни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Янги нашр ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг бугунги талаби, шунингдек, мамлакатимиздаги давлат тилида иш юритаётган ва халқаро ҳужжатлар билан ишлайдиган ташкилотлар, илмий ва ўқув муассасалари, қолаверса, Ўзбекистон халқининг ўзбек тилида сўзлашувчи катта қисмини улар тушунадиган тилида халқаро ҳужжатлар билан таништириб бориш мақсадида келиб чиқиб, республикада тегишли халқаро ҳужжатларни ўзбек тилига таржима қилиш ишларининг қўлини кенгайтириб бораётганидан далолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида мазкур тўпламнинг тақдими бўлди. Тадбирда Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Р.Конрой сўзга чиқди.

**(ЎЗА)**

## «СИНО»НИНГ ЯНГИ МУЗЛАТГИЧЛАРИ

«Сино» акциядорлик жамиятида БМТ тараққиёт дастурининг 1,5 миллион долларлик лойиҳаси тўлиқ аяқланди.

Илгарилари музлатгичларимиз девор ва эшикларни оралиғидаги бўшлиқни тўлдирish учун ХФУ (хлорфторуглерод) - 11 суюқлиқдан, совуғувчи модда сифатида ХФУ-12 суюқлиқдан фойдаланар эдик, - дейди жамият раисининг ўринбосари Ҳ.Облақуллов. - Бу эса атроф-муҳитга, аниқроғи озон қатламнинг емирилишига таъсир кўрсатарди. Шу боис юқоридаги лойиҳа асосида завод қайтадан замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ишлаб чиқариш жараёнида экологик безарар бўлган совуғувчи моддалардан фойдаланишга имкон берди.

Муҳими, ишлаб чиқарган музлатгичларида озон қатламни емирувчи моддалардан фойдаланган давлатлар учун жаҳон бозорининг эшикларини ёпилган бир пайтда, ушбу лойиҳа «Сино» корхонасига улкан имкониятлар берди.

Лойиҳа асосида олиб келинган асбоб-ускуналар ўрнатилишини кўздан кечирган БМТ тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой бошчилигидаги мутахассислар бажарилган юмушларни ижобий баҳолади. Томонлар лойиҳа тўлиқ аяқланганлиги хусусидаги ҳужжатларни имзолади.

**Бу йил Қашқадарё вилоятда фаолият юритадиган 22 та оромгоҳда 4 босқичда 24700 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Таъкидлаш жоиз, келажакимиз эгаларининг кўнгилли дам олишларини юқори даражада таъкид этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги, қасаба уюшмалари вилоят Кенгаши, жойлардаги мутаассид ташкилот ҳамда муассасалар раҳбарлари қатор ибратли ишларни амалга оширишди. Бунга «Лочин» оромгоҳида бўлганимизда ишонч қосил қилдик.**

— Ушбу сўлим маскан «Шуртангазим» мажмуи тасарруфига ўтди, - дейди оромгоҳ раҳбари Исмаил Тўрақуллов. - Бу йил 4 мавсумда 2 минг нафар бола соғломлаштирилди. Бунинг учун яхши тайёргарлик кўрилди. Бинолар, ошхона қайта таъмирланди, янги жиҳозлар келтирилди.

Оромгоҳ ҳудуди 9 гектар бўлиб, ён атрофи дов-дахтлар, гуллар билан безанган. Хавоси мусатфо, сувлари шифобахш.

Шарҳисаб туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидидаги «Гулнора» оромгоҳига ҳам барча ҳавас қилади. Мутаассидлар мавсум маъсулиятини яхши ҳис қилишяпти. Хоналарни таъмирлаш, кўнгилдагидек жиҳозлашдан ташқари, болаларни сифатли, хуштаъм неъматлар, сабзавот ва мева билан таъминлаш ҳақида ҳам алоҳида ўйланган.

«Беруний» оромгоҳи «Ўзбурғунфотгаз» акцио-

чиларнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланди. Оромгоҳ сурункасига вилоят ва республика оромгоҳлари орасида намунали деб топилапти.

«Косон-ёғэстракция» очик ҳиссадорлик жамиятига қарашли Яқкабоғдаги Майна Ҳасанова номли оромгоҳда мавсумда 2 минг нафар бола дам олади. Қис-

ка вақт ичида ҳомий ташкилот томонидан катта ҳажмдаги таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Корхона ҳисобидан 10 миллион сўмлик жиҳозлар олиб берилди. Жумладан, 500 жуфт кўрпа-ёсоқ жилдлари, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар келтирилди. Бу ерда корхона ишчиларининг 300 нафар фарзанди саломатликларини тиклашди.

Йўлдош Охунбоев номи оромгоҳ таълим ва фан ҳодимлари қасаба уюшма вилоят қўмитасига қарашли бўлиб, 250 ўринга мўлжалланган. Оромгоҳ раҳбари Султон Ашуровнинг таъкидлашича, бу ерда 3 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кутубхона янги адабиятлар билан

бойитилди. Шуниси қувончлики, оромгоҳ бизнес режасига эга бўлиб, бу йил 600 минг сўмлик қўшимча даромад олишни мўлжаллаган. Шу боис 80 сотих ерга бўғдой, 40 сотихга қартошка, 25 сотих ерга сабзавот етиштириш ўз имкониятлари учун ишлатишди.

Вилоят «Матлуботсавдо»

акционерлик компаниясига қарашли Яқкабоғдаги Йўлдош Охунбоев номидаги оромгоҳда ҳам соғломлаштириш мавсумига катта тайёргарлик билан келинди.

— Ҳомий ташкилот ёрдами билан 2 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилди, - дейди оромгоҳ раҳбари Абдуғани Бокиев. - Шунингдек, болажонлар соғлиқларини янада яхшилаш мақсадида фитобар йўлга қўйилди.

Яқинда Яқкабоғ туманидаги Майна Ҳасанова номи оромгоҳда ўтказилган йилги оромгоҳлардаги ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳусусида ҳам алоҳида гап борди. Вилоят ҳокимлиги, қасаба уюшмалари вилоят Кенгаши аъзоларини ташкил топан ишчи гуруҳ жойларда бўлиб, ёзги соғломлаштириш мав-

## Мавсум олди ўйлари

сумини кўнгилдагидек ўтказишни таъминлаш учун ҳали кўпгина ишлар амалга оширилиши юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, баъзи оромгоҳларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд. Шаҳрисабз туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли «Гулнора» оромгоҳи директори Ибодулло Ибрагимовнинг берган маълумотига кўра, бугунги кунгача ташкилотларнинг оромгоҳдан дебиторлик қарзи 9 миллион сўмдан ортиқдир. Шунингдек, оромгоҳ ҳам ташкилотлардан 10 миллион сўмга яқин кредитор қарз бўлиб турибди. Тумандаги Уроқ Ибрагимов номи озиқ-овқат маҳсулотлари хўжалиқ ишчиларининг фарзандлари ўтган йил дам олдирган бўлса-да, ханузгача қарзларини уза олишмаган.

«Зебунисо» оромгоҳи вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидида 150 ўринга мўлжалланган мазкур оромгоҳда мавсум бошланаётган бўлса-да ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами анчагина. Бу ерда ошхона стол-стуллари ва жиҳозлари етишмайди. Аллақачон ўз умрини ўтаган жиҳозлар алмаштирилмаган. Шунингдек

ишчиларга 395 минг сўмлик иш ҳақи тўланмаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим ташкилот ва муассаса раҳбарлари келажакимиз эгалари бўлган болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган мақсаддаги қарамдорлар, Масалан, Шаҳрисабз «Шароб-ароқ» заводи ишчи-хизматчиларининг фарзандлари учун ажратилган йўлланмалар корхона раҳбарининг ноҳилислиги билан агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшма туман қўмитасига қайтариб юборилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Улар учун ажратилган йўлланмалар Шаҳрисабз Норуда материаллари комбинати ишчи-хизматчилари фарзандларига берилди.

Вақт кутиб турмайди. Бугундан бошлаб болакайлар сўлим масканларга йўл оладилар. Ҳайайимизки, жойлардаги мутаассид ташкилот раҳбарлари йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирларини кўриб, фарзандларимизни мазмуни дам олишини таъминлайдилар.

**Шавкат СУЛТОН,**  
**«Ишонч» муҳбири**

Нуқтаи назар

ЯХШИ ШАРОИТ унумли меҳнат асоси

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни- нинг 4-моддасида алоҳида қайд қилиб ўтилганидек, «корхонанинг ишлаб чи- қариш фаолияти натижаларига нисба- тан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги усту- вордир». Наманган вилоятида бу бора- да муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Наманган шаҳар ва туман- лар ҳокимликларининг меҳнат, ахоли- ни иш билан таъминлаш ва ижтимо- ий ҳимоялаш бўлиmlарининг ташаб- буси билан халқ ҳўжалигида фаолият кўрсатаётган ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш борасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Учкўрғон тумани давлат меҳнат ин- спектори Ш.Самиев томонидан 38-ав- токорхонада ўтказилган текширишда меҳнат муҳофазасига доир бир қатор камчиликлар аниқланиб, бу ҳақда те- гишли далолатнома тузилди. Унда транспорт меҳнат муҳофазаси қоида- ларининг бирмунча бандлари бажа- рилмасдан келинганлиги аниқланган бўлиб, ушбу ҳолат автокорхона раҳ- барлари томонидан ҳам тан олинган. Шунинг учун бу ерда бош бошқарма томонидан шу мавзуда махсус семи- нар-кенгаш ўтказилди. Соғлом ва хав- фсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича зарур чора-тадбирларни амал- га ошириш юзасидан амалий тушун- чалар берилди.

Меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрлари талабларининг амалда ба- жарилиши ўрганилганда, Наманган электр тармоқлари корхонаси ва унинг ҳудудий бўлиmlаридан бу соҳада олиб борилаётган ишлар қониқарли ҳолат- да эканлиги маълум бўлди. Масалан, тармоқда меҳнат муҳофазаси бўйича Низомлар, меъёрий ҳужжатлар ва қўлланмаларнинг қўйи тизимга еткази- лиши таъминланган. Ишловчилар эса ана шу асосда иш олиб бориш- моқда. Лекин соғлиқни сақлаш ҳамда халқ таълими вазирликларига қараш- ли муассасаларда бу йўналишда олиб борилаётган ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Бунинг оқибатида бахтсиз ҳодисаларнинг юз бериши камайма- япти. Чунки соҳада бу борада олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Чунки бахтсиз ҳодисалар таҳлил этилмайди. Меъёрий ҳужжат- лар ишлаб чиқилиб, қўйи бўлиmlарга етказилмайди.

Кўплаб корхона, фирма раҳбарла- ри ҳамда хусусий тармоқ эгалари меҳ-

нат қонунчилигини яхши билмайдилар. Иш жойлари шу йўналишдаги ҳужжат- лар, кўргазмали воситалар билан таъ- минланмаган. Натижада вилоятда фао- лият кўрсатаётган «Бахтли-2000», «Стройсервис», «Жаҳонгир-А», «Оқ ол- тин», «Темир-бетон» ишлаб чиқариш, «Комилжон-АР», «Бомраха» хусусий фирма ва кичик корхоналарда бахтсиз ҳодисалар содир этилишига барҳам бе- рилгани йўқ. Жорий йилнинг 4 ойи ичи- да меҳнатни муҳофаза қилиш тўғриси- даги қонунлар бузилишида айбдор, деб топилган 31 амалдор шахсга жазима- лар солинганлиги ҳам фикримизни тас- диқлаб турибди.

Умуман, жорий йилнинг биринчи чо- рагида назорат қилувчи органлар фа- олиятини мувофиқлаштирувчи Респуб- лика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалга кўра 77 та ҳўжалик юри- тувчи субъект текширилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан меҳнат муҳо- фазаси бўйича 504 та, меҳнат шароит- лари бўйича эса 103 та тадбир белги- ланиб, 78 та ёзма кўрсатма берилди. Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бош- қармасининг меҳнат муҳофазаси хиз- мати билан ҳамкорликда мавсумий ишларни бошлаш олдидан ўтказилган семинар-йиғилишларда меҳнат муҳо- фазасини таъминлаш, соғлом ва хав- фсиз меҳнат шароитларининг ярати- лиши бўйича тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Чунончи, шу йилнинг ўзидагина вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси тизимидаги ширкат ва жамоа ҳўжаликлари ҳамда корхоналарида ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимлари сино- вдан ўтказилди.

Шунга қарамастан ҳамон жойлар- да ушбу масала юзасидан талаб ва кўрсатмаларга масъулиятсизлик билан қараш учраб турибди, - дейди биз бил- лан суҳбатда бош бошқарманинг дав- лат меҳнат-техника инспектори Аҳмад- жон Йўлдошев. - Масалан, Чортоқ ту- манидаги «Зилола», «Ҳабибулло», «Аза- мат», Поп туманидаги «Жаҳонгир» фер- мер ҳўжаликларида ишловчиларнинг кўпчилиги билан ҳалигача меҳнат шарт- номаси тузилмаган. Тўрақўрғон туман- идаги ўрганилган фермер ҳўжаликла- рида 34 нафар меҳнат шартномаси асо- сида ишлаётганларнинг 26 нафарига меҳнат дафтарчаси юритилмаган. Улар меҳнат хавфсизлиги бўйича ҳеч қандай тушунчага эга эмаслар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Тадбиркорлик — давр талаби



ЎҚИТУВЧИ КИЧИК КОРХОНА, ТАШКИЛ ЭТДИ

Касбилик тадбиркор Барака опа Пулатованинг асли касби ўқитувчи. У бир неча йилдики, ёшларга билим бериш билан бирга тадбир- корлик билан ҳам шуғул- ланиб келади. — Тумандаги Мавлон Жовлиев номи ўрта мак- табда қарийб 33 йил ўқитув- чилик қилдим, - дейди Б.Пулатова. — Меҳнатларим муносиб баҳоланди. Ёш ав- лодни замонамизга мос йи- гит-қизлар қилиб тарбия- лашда камтарона ҳиссам боридан хурсандман. Замон тадбиркорлики талаб қила- ётган шу кунларда фахат мактаб билан боғлиқлиги қолиш менга ноқулайлик сездиргандек бўлди, гўё. Шу боис маҳалладошлар билан маслаҳатлашиб, қи- шлоқдаги ташкилот бинони сотиб олдим ва кичик кор- хона ташкил этдим.

Даровек, Барака Пулато- ва мактабда ишлаб юрган кезлари самарасиз бўлма- ди. Унинг кўксини «Ўзбе- кистон халқ маорифи альян- сис», «Методист-ўқитувчи», «Таълим фидойиси», «И дарахли Соғлом авлод» ор- денлари беэаб турибди.

Ҳақиқатан ҳам опа Ота- бек Шодиев номи ҳўжалик ҳудудида «Хидир ота» хусус- ий ишлаб чиқариш корхо- наси ташкил этиш мақсади- да «Пахта банк»нинг «Муг- лон» бўлиmidан 35 миллион сўм кредит олиб иш бошлади. Қисқа вақт ичи- да бино таъмирланиб, «Туркия-Россия-Ўзбеки- стон» қўшма корхонасига асос солинди. «ANA FOOD MACHINERY» КК тасисчи

бўлган ушбу корхона дим- ланган мол гўштидан кон- серва ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айти пайтда бу ерда 18 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъмин- ланди. Кичик корхонада макарон ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Айти пайтда суткасига 1000-1500 банка сифатли махсулот ишлаб чиқарилаётир.

Шуниси эътиборлики, иш конвейер усулида таш- қил этилган. Бу ерда чорва молини сўйишдан тортиб, махсулот ишлаб чиқариш- гача бўлган жараён ярим ав- томатлаштирилган ҳолда бажарилади. Бундан таш- қари, корхонада меваларни қайта ишлаш ускунаси ҳам ўрнатилди. Айти кун- ларда деҳқонлар томони- дан этиштирилган махсу- лотлар шу ернинг ўзида қайта ишланиб, истеъмол- чиларга жўнатилмоқда.

— Келгусидаги режамиз янада улкан, - дейди опа. — Ишлаб чиқараётган мах- сулотларимизни хорижга экспорт қилиш. Ҳозирги кунда махсулотимизни чет- га сотиш учун сертификат- га эга бўлдик.

Олий тоифали врач-ла- борант Абдумажид Мурта- зоев, менежер Примкул Муртозаев, илгор ишчилар Давлат Шахноза Шодиева, Гул- зира Турсунова бу ерда тайёрланаётган махсулот сифатига алоҳида эътибор бериб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишаётир.

Ш.КАРШИЕВ Суратларда: кичик корхона фаолиятидан лавжалар.



ДАРОМАДГА ҚАРАБ ХАРАЖАТ

Шаҳрихон туманидаги беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Ўзбекистон ширкат ҳўжалиги тўла газ- лаштирилди ва тоза ичимлик суви билан таъминланди. Ҳар бир қишлоқда оқсоқоллар чойхонаси, маданий-маи- ший иншоотларни ўз ичига олган гу- зарлар фаолият кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси пахта, дон, пил- ла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик махсу- лотларидан олинаётган мўмай даро- мад ҳисобига қурилди, - деди ширкат ҳўжалиги раиси Шаҳобиддин Акбаров «Туркистон-пресс» мухбирига. -Айти- лик, ўтган қишлоқ ҳўжалик мавсуми-

да миришкорларимиз 279 миллион сўм миқдорда даромад олишди.Соф фойда 28 миллион сўмни ташкил этди.

Ш. Акбаровнинг таъкидлашича, жорий йилда ҳўжалик деҳқонлари 189 гектар галла майдонининг ҳар гекта- ридан 80 центнердан ҳосил этишти- ришни мўлжалламоқда. 326 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан қимматбаҳо хомашё этиш- тириш ниятида. Демакки бу йил ҳам даромадларимиз кўзланганидан зиёд бўлади, - деди Ш. Акбаров сўзининг якунида.

ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республика- си товар-хомашё биржа- сида кичик ва ўрта бизнес субъектларига металлдан тайёрланган махсулотлар, ёғоч ва қурилиш матери- алларини сотиш бўйича савдо майдони самарали фаолият юритмоқда. Сав- доларнинг ягона электрон тизимида брокерлар ушбу соҳа вакилларига қарийб 60 миллиард сўмлик мах- сулот тақлиф қилди. Бу эса листингга киритилган товарлар турини анча кен- гайтирди.

Ушбу савдо майдонида махсулотлар сотувининг умумий айланмаси 13,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Шундан 4,1 милли- ард сўмлик металлдан тай- ёрланган махсулот, 5,4 мил- лиард сўмлик ёғоч матери- аллари ва 4,1 миллиард сўмлик қурилиш материаль- лари сотилди.

Касаба уюшма ва маъмурият ҳамкорлиги

Тўнги шамол кетидан бамисоли челақлаб ёғайтган ёмғир ергамас, гўё Аюбжоннинг ичи- га ёғайтгандек эди. Шу боис тонг гира-шира бўли- ши билан нонуштани ҳам унутиб, ўйдан чиқди. «Ўзининг ҳоли нима кечди, далада нима гап- деган ўй-хаёплар унга тинчлик бермасди.

ДАЛАНИНГ ОҲАНРАБОСИ БОР

Далага учиб келдим, қўниб келдим, билмайди. Ариқларда ҳайқириб бўтана сув оқар, эггаларни сел- юк кетган бўлиб, ўрнида қўлмақ ҳосил бўлганди. У ер-бу ерда ғўзалар лой-балчиққа қоршиб ётар- ди. Бу манзара Аюбжоннинг юрак-бағрини эзиб юборди. Аксига олгандек, ёмғир яна қуя бошлади. Эғни шалаббо ҳўл бўлган, юз-кўзидан сув оқарди.

Аюбжон кимнингдир елкасига оҳиста теккизан қўлидан ўзига келди. Оркасига ўғирлиқ раис То- хиржон Зокиров, бош ҳосилот Авазбек Юнусов, ка- сабақум раиси Шўхратжон Мадрохимовларни кўрди. — Ҳечқиси йўқ биродар, - деди раис Аюбжонни нарида турган машина томон бошлаб. — Оллоҳ ку- зини берса, пахтама, галлама бўлади.

Аюбжоннинг наздида даланинг оҳанрабоси бор. Бир кун даланинг тўроғини искамса кўнгли тўлмайди. Жамоаси - Шокиржон Фахриддинов, Зух- рахон Мўйдинова, Худойберди Эркабоблар билан бир жон, бир тан бўлишиб чигитни уч бор қайта эқдилар. 5-6 кундаёқ эггалар «яшил тўн» кийди. Плёнка шунда асқотди. У қўешнинг ҳароратини ку- чайтириб, тўпроқни қиздирди. Ғўза ҳаш-паш дегун- ча «уч қулоқ» бўлди. Чунки қатор орасига ишлов, меъёрида берилган ўғит ниҳолларга дармон дори бўлганди. Шу боисдан касабакўм билан маъмури- ятнинг рағбатлантирувчи муқофоти Аюбжон Шари- пов бошлиқ пудратчилар бригадасига насиб этди.

Марҳамат туманида пахта ва галладан мўл ҳосил этиштиришда А.Шарипов жамоаси олдиға тушади- гани йўқ. 2002 йилда гектарига 40 центнердан «оқ олтин», 80 центнердан галла хирмони яратилди. Шартномадан ошкча 30 тонна ҳосил ижарачиларга берилди. Натижада қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўлди. 23 миллион сўмдан зиёд даромадга эришилди. А.Шариповлар оиласининг ўзи ижара усулида иш- лаб, ярим миллион соф даромад эгаси бўлди. Бу- гун қўсини беэаб турган «Мустақилликнинг 10 йил- лиги» нишони ҳам шундан.

Жамоа шартномасига меҳнат унумдорлиғини оши- рувчи омиллар, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, шу асосда мулкий табақаланишга барҳам бериш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳақида алоҳида бандлар киритилган.

«Пахтакор» ширкат ҳўжалиги бу борада касаба уюшмаси билан бамаслаҳат фаолият юритмоқда. Пахтачиликда 63 та, галлачиликда 70 та оилавий пудратчи иш олиб бормоқда. Ерлар пудратчиларга шартнома асосида бўлиб берилган. Шартнома иж- роси, ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси ҳар йили касабакўм билан маъмуриятнинг қўшма йиғилишида икки марта муҳокамадан ўтказилади. Касаба уюшма аъзоси, пудратчи Умарали Тўқсонбо- евлар оиласи 13 гектар ерда деҳқончилик қиладди. Оилага давлат бюртмасидан ташқари 30 тонна дон қолди. Бу 3 миллион сўм соф даромад дегани.

Ҳўжалик тумандагина эмас, балки вилоятда пахта ва галладан мўл ҳосил олишда олдинги ўринларда туради. 2002 йилда гектар бошига 33,5 центнердан пахта, 81,5 центнердан қирмизи дон этиштирилди. Режадан ортган 970 тонна дон ижарачиларнинг ом- борига тўқилди. Тармоқдан 11 миллион 200 миң сўм соф фойда олинди. 2 миллион сўмга яқин маб- лағ дивидент сифатида берилди.

Топилган пул даромадлари меҳнатқашларнинг иж- тимоий-иқтисодий ҳимоясига сарфланмоқда. Жорий йилда ҳам таъминланган оилаларга 4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Илгорларни рағ- батлантириш учун 1,5 миллион сўмлик маблағ хара- жат қилинди. Аҳолининг турмуш ва меҳнат шароити яхшиланмоқда. Қишлоқларда ободончилик ишлари қўлани кенгаймоқда. 60 ўринли қишлоқ шифокор- лик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. 4 километрик газ, бир километрик масофага сув қувурлари тортилди. «Янги ҳаёт», «Олимпия» ма- ҳаллалари бунёд этилди. Бу ерларда 46 та хонадон ўз маблағлари ҳисобидан уйли-жойли бўлди.

Ширкатдаги барча дала шийонлари сифатли таъмирдан чиқарилган. Бригада уйларида ҳар куни меҳнатқашлар учун бепул иссиқ овқат тайёрланади, оналар ва болалар хоналари ишлаб турибди. Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

НАСОС ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Лойиханинг таннар- хи 500 миң АҚШ долла- рига яқин, - деди қўшма корхона бош директори Маҳмуд Адашев «Турки- стон-пресс» мухбирига. - Бугунги кунда «Мета- Плюс», «Бета», «ГАМА» ва «MSA» русумидаги насос- ларни йиғиш бошланди. Улар секундиға ярим литрдан тортиб уч миң литрғача бўлган сувни 5 метрдан 236 метрғача баландликка чиқара ола- ди. Насосларнинг асосий қисмлари, филдиракла- ри, дефектоскопик назор- радан ўтган чўндан қўйилади. Вал, втулка ва бошқа қисмлари эса зангламайдиған пўлатдан тайёрланади. Насослар- даги махсус ва сопол ме- ханик зичловчи қисмлар борки, бу насосларнинг иш муддатини узайтира- ди. Авваллари бундай насослар Россиядан кел- тирилади.

НАСОС ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Кўшма корхона томо- нидан ишлаб чиқарила- ётган насосларга Герма- ниянинг «Сименс» ва Американинг «Вестерн электрик» фирмаси мо- торлари ўрнатилган бўлиб, бу электр-энерги- яни тежаш имконини бе- ради. Келгусида 60-70 фойз бутловчи қисмлар «Ўзбекистанасосмаш» нинг ўзида ишлаб чиқариш режалаштирилмоқ- да. Жорий йилда корхо- нада 1 миллиард сўмлик насос ишлаб чиқарила- ди.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗСИН

Меҳр-саховат — ота-боболаримиздан мерос қадрият. У инсонларни бир-бири- га дўст-ҳамкор, биродар қиладди. Сахо- ватпеша инсонлар эса ҳамиша эл-юрт манфаати учун елиб-югурадилар. Шу боис бундай кишиларни халқимиз эъозлаб алоҳида эҳтиром кўрсатади. Деновлик Аҳмад Нарзуллаев ҳам эл ишига фидойи, саховатпеша фермерлардан.

Муस्ताқилликнинг дастлабки йиллари- да биринчилардан бўлиб фермер ҳўжа- лигини тузиб, иш бошлаганда кўплар унинг ташаббусига шубҳа билан қараган, ҳатто йўлдан қайтарувчилар ҳам кўп бўлган эди. Аммо ўзига ишонч, касбига меҳр, меҳнатга муҳаббат тезда уни элга танитди. Бугун туманда илгор фермер- лар ҳақида гап кетса, Аҳмаджон Нарзул- лаевнинг тадбиркорлиги, ишбилармонли- ги алоҳида эътироф этилади. Негаки, у бошқараётган фермер ҳўжалиги пахта ва галла топшириш режасини ҳар йили 140-180 фойзга уддаламоқда. Бундан ташқари, чорвачилик соҳасида ҳам ҳўжаликнинг ҳамиша қўли баланд.

Фермер ҳўжалиги раҳбари қўл остида ишлаётган 100 нафарга яқин ишчи-хиз- матчиларга ғамхўр, уларни ижтимоий-

иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор беради. Саломатлиги, оиласи, ҳатто фарзандлари тарбиясига у ўзини масъул ҳис қиладди. Ишчи-хизматчиларга ҳар ойда тўланаётган иш ҳақидан ташқари галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги мах- сулотлари бепул тарқатилади. Ўтган йили шу мақсадда 120 тонна галла улашилган- ни фикримиз исботидир.

Аҳмад фермерни бошқалардан ажра- тиб турадиган яна бир фазилати сахо- ватпешалигидир. У 2000 йилда ўз маб- лағидан «Хитоян» маҳалласида 360 ўрин- ли мактаб қуриб берган эди. Айти кунда бу ерда ҳамқишлоқларининг фарзандла- ри таълим-тарбия олишмоқда. 2001 йил- да эса фермер янги ташаббус билан май- донга чиқди. Бизнинг қишлоқдан ҳам че- пионлар этишиб чиқсин, деган яхши ният билан спорт мажмуасини қуриб, ёшлар- га совға қилди.

Яхшилик яхшиликка йўл очганидек, фермер савоб йўлида яна бир хайрли ишга қўл урди. Шу пайтгача дардларига шифо истаб, узок йўл босиб туман мар- казига қатнайдиған маҳалладошлари учун қишлоқ врачлик пунктини қуриб, уларнинг оғирини энгил қилди. Қўли очик фермер

Бор бўл, оқибат!

бу КВП қурилиши учун ўз ҳисобидан 60 миллион сўм маблағ сарфлади. Кувончли томони шундаки, замонавий типда қурил- ган янги шифо масканига барча зарур тиббий жиҳозлар ва мебеллар ҳам фер- мер Аҳмад Нарзуллаев томонидан таъ- минланди.

— Қани эди, Аҳмад акадай саховатли фермерларимиз кўпайса. У кишининг та- шаббуси билан «Хитоян» маҳалласида КВП қурилди. Унга тажрибали ҳақим Бахти- ёр Холмуминов бош шифокор бўлди. КВПнинг очилиш маросимида, вилоят ҳокимининг «ДАМАС» автомашинаси топ- ширилди. Туман марказий шифохонаси маъмурияти сийҳатгоҳга малакали педи- атр, гинеколог, стоматолог врачлар ҳамда тажрибали ҳамшираларни ишга жалб этди. Умуман туман аҳолиси саломатли- ги йўлида яна бир қулайлик яратилди, - дейди соғлиқни сақлаш ходимлари каса- ба уюшма туман кўмитаси раиси Юнус Урақов. Аҳмад фермердек элпарвар, фидойи, ишбилармонлар бор экан, бугунги- ми кечгадиган, эртамиз бугундан порлоқ бўлаверади.

РУСТАМ ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири

Орамиздаги кишилар

Юртимиз иқтисодиётини юксалтириш борасида кичик ва ўрта биз- нес муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳукуматимиз томонидан уларга бир қатор қулайлик ва имкониятлар яратиб берилган.

Андижон шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси- нинг асосий вазифалари- дан ҳам ушбу секторни қўллаб-қувват- лаш, мулкдорлар синфини жадал ша- клантириш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатла- рини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Шаҳарда тадбиркорлар сони йил сайин ошиб бормоқда. Биргина ўтган йил дав- рида палатага аъзо бўлган корхона, ху- сусий фирма ва тадбиркорлар сони 2951 нафарни ташкил этди.

Илгарилари ушбу фаолият тури билан шуғулланаётган тадбиркорлар иш жараёнида тажрибасизлиги ёки ўз ҳақ- ҳуқуқларини англаб етмаганлиги билан боис уларнинг ишлари орқага кетарди. Бу баязида корхонанинг батамом туга- тишига олиб келар эди. Эндиликда эса палатанинг яқиндан бераётган кўма- ги натижасида бундай ҳолатлар куза- тилмапти. Палатада тадбиркорлар учун «Ахборот маслаҳат» маркази ташкил этилган бўлиб, шу ернинг ўзида юри- дик, жисмоний шахсларга таъсис ҳуж- жатлари тайёрлаб берилади. Бозорлар-

лан, «Шамс-2000» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ўзининг уч турдаги яхна ичимликлари билан Тошкентдаги «Ўзек- спомарказ» кўргазма- сида қатнашиб, таш- қилотчилар томони- дан Диплом билан тақдирланди.

— Тадбиркорларимиз ишлаб чиқара- ётган махсулотлар хорижникидан қолмайди, - дейди палата раиси Ш.Музаффаров. — Галдаги вазифа за- монавий технологияларни жалб қилиб, махсулотларимизни хорижга экспорт қилиш. Бу борада савий-ҳаракатлар бош- лаб юборилди.

Хусусан, Италиянинг ИТФ компанияси технологияларини сотиб олиш учун ҳозирда улар билан бевосита мулоқот- лар олиб боришмоқда. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари раҳбарларининг малакасини ошириш мақсадида АҚШнинг «Прагма» коорпо- рацияси иштирокида молиявий, марке- тинг мавзуларида семинарлар ташкил этилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, текширишларни тартиб- га солиш борасида ҳуқуқий маслаҳат- лар берилди.

ДАВУР ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири

МАҲАЛЛАДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Қоракўл туманининг «Дўстлик» фуқаролар йи- гини ҳудудидаги ташлан- диқ майдонда болалар ўйингоҳи барпо этилди. Маҳалла тадбиркорлари ўйингоҳ қурилиши ва уни спорт анжомлари билан таъминлашга ҳомийлик қилди.

Ёғи таътилға чиққан олти юзга яқин болалар учун бу ерда футбол, баскетбол, волейбол, теннис бўйича мусобақа- лар уюштирилади.

Когон шахридаги 11- ва 13-маҳалла фуқаро- лар йиғинлари ҳудуди- да ҳам илгари қаровсиз бўлган майдонлар ўрни- да стадионлар барпо этилди. Ёшларнинг се- вимли масканига айлан- ган ушбу ўйингоҳларни таъмирлашга «Чевар» ҳиссдорлик жамияти ҳамда когонлик темир- йўлда ҳомийлик ёрда- ми кўрсатди.

# НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ КОНИ ЗАРАР

Вақт тез ўтмоқда. Иш билан бўлиб баъзан бундан сезмаймиз ҳам. Хатлар, даъво аризалари кўп. Уларнинг ҳар бири ортда инсон тақдирини ётирибди. Утган 2002 йилнинг ўзида жами 2476 та даъво аризаси келиб тушди. 2418 та иш кўриб чиқилиб, шулардан 2064 таси қаноатлантирилди. Жорий йилда эса улар сони кўпайди қураниди. Чунки биринчи чорақдаёқ 679 та даъво аризаси олинди. Бу ҳалқимизнинг қонунга тобора ишончи ортиб бораётганидан, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳаракат қилаётганидан далолат.

Иш бор жойда камчилик бўлиши мумкин. Тарафлар ўртасидаги шартноманинг қайсидаги банди бажарилмади, қонун бўлиши ҳолати содир бўлди. Бу эса низоли келтириб чиқаради. Термиздаги «Табриз» хусусий фирмасининг ошхонаси табиий газисиз фаолият кўрсата олмади. Газ ўлчовчи уззукрон айлангани айланган. Беминнат ёнилғидан фойдаланилди, ҳақини ўз вақтида тўлаб қўйиш шарт. Хусусий фирма раҳбари бунга яқин билади. Дарвоқе, «Табриз»нинг фаолияти гуржираб бораётгани, бироқ кўз тегди. Сўнгги пайтларда бу ердан «текширувчилар»нинг келиши билан қўриқилди. «Сурхондарёга таъминот» шўба корхонаси ва Термиз шаҳридаги бўлимидан келатган текширувчилар талайгина бўлиб, улар орасида ҳатто ҳисобчилар ҳам бор эди. Бахонанинг тури кўп. Хали ундан, хали бундан техник нуқсонлар кидиришар, ўз тўпдан бўлиб далолатнома ҳам туширдилар. Шуниси қизиқми, уларнинг қўлида текшириш ўтказиш ҳуқуқини берадиган бирор бир ҳужжат бўлмаган. Қўнларнинг бирида газ ўлчовчи қукур топан бўлиши, газ оқиб турган қувурни кесиб кетиши. Оқибатда, ошхонада иш тўхтаб қолди. Пировадига масала виллоят аҳли боншқармасига етиб борди. Майли, «текширувчи»ларни маълум даражада ҳақ ҳам дейлик, лекин шу ўринда бир са-

вол туғилади. Хусусий фирмага газ тортиб берган газ таъминоти идораларининг ўзи-ку? Шундай экан техник нуқсонсиз жиҳоз ёки асбобларни ўрнатиш уларнинг вазифаси эмасми? Қолаверса, техник камчилик сезилган экан, уни бартараф этиш ҳам айнан ўшаларнинг бурчи эди-ку? Шундай қилинса, суд бу ишга мутлақо аралашиб ўтирмасди.

Адлия бошқармаси «Табриз» хусусий фирмасининг манфаатини кўзлаб, ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд ишни синчиқлаб ўрганди. Даъво тасдиғини топди. Кесиб қўйилган қувурнинг уланishi ҳақидаги сўров қаноатлантирилди. Етказилган 280 минг сўм моддий зарар ундирилди. Шунингдек, «Табриз» хусусий фирмаси раҳбари Х.Саъдуллаевага нисбатан етказилган маънавий зарар — 600 минг сўм ундириб берилди. Адволат тантана қилди.

Яна бир мисол. Виллоят адлия бошқармаси ҳўжалик судига мурожаат қилиб, Шеробод туман ҳокимлигининг «Алишер» фермер ҳўжалигидан 10 гектар ер майдонини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишни ва ерни фермер ҳўжалигига қайтариб олиб беришни сўради.

Даъво аризаси чуқур таҳлил қилинди. Фермер ҳўжалигидан ер майдонини олиб қўйиш асосиз эканлиги исботланди. Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик Процессуал Кодексининг тегишли моддаларига кўра суд қарор қилди. Шеробод туман ҳокимлигининг фермер ҳўжалигидан олиб қўйилган ер майдонини қайтариб берилди.

«Афзал» уй-жой мулкдорлар ширкати Термиз шаҳар ҳокимлигини судга берди. Воқеа шундай бўлган. Ҳокимлик қарори билан «Афзал» уй-жой мулкдорлар ширкати ташкил этилди. Бироқ, 2002 йилнинг 17 апрелида мавжуд ширкат устига яна бошқа ширкат ташкил этиш тўғрисида ҳокимлик қарор чиқарди. У бу хатти-ҳаракати билан Фуқаролик Кодексининг 206-моддаси талабини бузди. Бу ҳол ширкат жамоасини гоётада хайратга солди. Низо судга етиб келди.

Суд жараёнида тарафларнинг кўргазмалари диққат билан тингланган. Пировадига даъво тўғри эканлиги маълум бўлди. Ҳокимлик қарори бекор қилиниб, «Афзал» уй-жой мулкдорлар ширкати тааллуқли техника воситалари олиб берилди. Ўз ишига мавсўлийатсизлиги тўғрисида Термиз шаҳар ҳокими А. Чориевдан етказилган мулкрий зарар ундирилди.

Гуручининг қурмаги бор, шунингдек, одамларнинг ҳам... Айрим мансабдор шахслар иш ривожига салбий таъсир кўрсатяптилар. Бундайларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 март Фармони асосида таъсир чораларини қўллаш кўзда тутилган. Жумладан, жорий йилнинг ушбу ойи давомида 107 та ҳўжалик иши бўйича 111 нафар айбдор шахсдан 1080,6 минг сўмлик маъмурий жарима, 94 та иш бўйича 95 нафар мансабдор кишилардан 889,6 минг сўм

## Қонун барчага баробар

моддий зарарини ундириш ҳақида қарор ва ажримлар қабул қилинди. 4 та ҳўжалик иши бўйича 5 нафар кишига нисбатан жиноий иш кўзга тилинди. 37 та хусусий ажрим ва тақдирномалар чиқарилган бўлиб, улар мансабдор шахсларга чоралар кўриш учун тегишли идораларга юборилди.

Меҳнатқашларнинг ҳуқуқий оғини ва маданиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада ҳам сидқидилдан меҳнат қилинмоқда. Шу йилнинг ўзида 135 марта хойларга бориб, сайёр суд мажлислари ўтказилди. Телевидение, радио ва газета-журналларда мунтазам равишда чиқишлар қилиб турибди. Бундан ташқари, судьяларнинг меҳнат жамоаларида бўлиб, ҳўжўқ тизимида амалга ошириляётган ислохотлар ҳусусида маъруза ва сўхбатлар уюштиришяпти.

**Нормат СОБИРОВ,**  
Сурхондарё виллоят ҳўжалик суди раиси

**Болаларни ёзги соғломлаштириш ва хордик чиқариш мавсумини юксак савияда ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида алоҳида таъкидланган. Ана шу долзарб масала барча ишлар чиқариш ташкилотлари, корхона ва муассасалар раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юкляйди.**

Аммо Шаҳрихонда айрим раҳбарларнинг бу муҳим ишга панжа орасинда қараб келганлиги ёзги мавсумнинг кўнгилдагидек ўткиш ва болажонларнинг яйраб дам олишларида тўғанок бўлмоқда.

Комиссия йиғилиши талаблари асосида тумандаги мавжуд оромгоҳлар прокуратура томонидан ўрганиб чиқилганда, олиб бориляётган саъй-ҳаракатлар қаторида кўплаб ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлиги яққол сезилиб қолди. Энг ачинарлиси, камчиликларни бартараф этиш ўрнига баъзи оромгоҳ раҳбарлари муаммони сунъий равишда юзага келтиряётганлиги меҳнат ахлининг ҳақи эътирозига сабаб бўляпти. Масалан, «Бешариқ» болалар

корхоналарига мутлақо молиявий дахлсиз хусусий тадбиркор Азимжон Сахновнинг ҳисоб рақамига 36 миллион 600 минг сўмни енг учда ўтказиб юборармиди? Қараңки, у ишчилар қонуний ҳақларини талаб қилганларида «пилла хомашёсини қачон сотасак, сўнг маошларингизни тўлаймиз» дея алдаб келган.

Ўзгининг ҳақиға ва эл ризикига хиёнат қилиш йўлида мажур корхона раҳбарига етгани топилмас керак. Бир мисол. Узоқ йиллар корхона маблағини талон-тарож қилгани етмагандай, ноқонуний йўллар билан Андижон виллоят «Пилла» акционерлик бирлашмасига 21,2 тонна, «Ипак-

# СУНЪИЙ ТЎСИҚ сабабчиси ким?

га зид равишда ҳақ-ҳуқуқи топталаётганлиги билан қизиқмаган. Ваҳоланки, Меҳнат Кодексининг 154-моддасида «...иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар ходимга бажарган иш учун ҳақини вақтида тўлаши шарт» деб белгилаб қўйилган. Шу боис айбдорлар устидан жиноий иш кўзга тилиб, судга оширилди.

Меҳнатни рағбатлантириш ва ходимларни ихтимой муҳофаза қилиш масаласи амалдаги қонунларда аниқ белгилаб қўйилгани билса-да, туман «Пилла» давлат корхонаси раҳбарлари ҳам Алига тўн бичиб, Валига кийгазини йиллаб ўзларига «каб» қилиб келганлиги афсусландирди.

Акс ҳолда корхона директори Сойибжон Собиров ишчилардан ўтган йил маошдан катта миқдорда қардор бўла туриб, туман, виллоят пилла

Умуман, қаерда талаб-чанлик сўсайса, қонун ҳаспўшланса, меҳнатқашнинг ҳақ-ҳуқуқи топтала, ўша жойда, корхонада унумдорлик бўлмайди, ишлаб чиқаришга путур етади. Тумандаги «Бешариқ» болалар оромгоҳи ва «Пилла» давлат корхонасидаги ачинарли воқеалар бунинг ёркин исботидир.

Эндиликда ана шундай ноқонуний ва кўнгилсиз ҳолатлар қайта такрорланмаслиги учун корхона ва ташкилотлар, ширкат ҳўжаликлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айниқса, бу ишда корхоналардаги касабда уюшмалари фаолиятидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

**Олимжон СОЛИЕВ,**  
Шаҳрихон тумани прокурори,  
адлия маслаҳатчиси

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири

оромгоҳи нафақат туман ўқувчиларини, ҳатто виллоят ёшларининг ҳам севишли масканларидан бири эди. Шундай бўлса-да, кейинги йилларда бу жойдан анча фойз кетган қўрилади. Бунинг сабаби оромгоҳда меҳнат қилаётган 140 нафардан ортиқ турли соҳа мутахассислари раҳбар ва бош ҳисобчининг укувсизлиги, масъулиятини ҳис етмаётганлиги натижасида уш йилдан бўён ойлик маошларини ололмасдан аросатда юрганлигидир.

Бозор талаби қатъий. Меҳнат қилган киши маф-

Ички ишлар бошқармасининг Ёнгин хавфсизлиги бўлими фуқароларнинг ҳаётини ҳамда мол-мулкни беҳатар сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ўз хизмат бурчларини тўлақонли бажаришлари учун турли ўқувлар ўтказиш, қулай иш ш-

роитларини яратиб бериш соҳа ютуқларига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Миробод туманидаги Ёнгин хавфсизлиги бўлими раҳбарияти томонидан ҳам бундай тадбирларга алоҳида эътибор берилмоқда. Шахсий таркиб учун махсус ўқув хоналари, ошхона

ҳамда ювиниш ва дам олиш хоналари дид билан жиҳозланган.

**Суратларда: жамоа шахсий таркиби ҳаётдан лавжалар.**

**Ш.САРИЕВ**  
олган суратлар

**Саволингизга ТДЮИ ўқитувчиси Гулноза Сатторова жавоб беради**  
САВОЛ: мен 62 ёшдаман. Ўзбекистонга 1962 йилда келганман. Қариндошларим йўқ, ёлғиз яшайман. Менга қўшимча моддий ёрдам берилиши мумкинми?

**К. БЕЗЕНОВА,**  
Зомин тумани  
ЖАВОБ: амалдаги қонунчиликка кўра ёлғиз яшаётган қарияларга қўшимча аниқ йўналтирилган ёрдам кўрсатилиши мумкин. Ушбу ёрдам 2000 йил 17-январда чиққан ижтимоий таъминот вазирининг буйруғи билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида №900-сон билан рўйхатга олинган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга аниқ йўналтирилган қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби билан амалга оширилади. Ушбу тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, агар у умумий белгиланган пенсия ёшига етган бўлса ёки I ва II гуруҳ ногирони бўлса, алоҳида уйда, хонадонда яшаса ва унинг фарзандлари, ота-онаси, зри (хотини), васийлари бўлмаса, қўшимча ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз сифатида рўйхатга олинади.

Бундан ташқари, қўшимча ёрдам қўйидаги ҳолатларда берилиши мумкин:

- агар бундай шахслар қариндошларига эга бўлса-да, лекин улар бошқа ҳудудда яшаётган бўлса ва ёрдам бериш имкониятига эга бўлмасалар;
- агар уларнинг фарзандлари ва яқин қариндошлари узок муддатли даволанишда ёки озодликдан маҳрум қилинган бўлсалар;
- эр ва хотин ёлғиз яшашсалар ва уларнинг бошқа қариндошлари бўлмаса;
- боласи ногирон бўлса.

Бундай ёлғизларни ихтимой таъминот органлари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан биргаликда ҳисобга олишда ва уларга аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича маҳаллий регионал дастурларда кўрсатилган аниқ ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиришяпти.

Бу дастур бюджет маблағлари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг маблағлари, хайрия жамғармалари, нодавлат ташкилотлар ва инсонпарварлик ёрдамлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Саволингизга ТДЮИ катта ўқитувчиси Гулноза Муродова жавоб беради**

САВОЛ: менинг биринчи фарзандим икки ёшга тўлмасдан туриб, иккинчи фарзандим учун ҳомилдорлик ва туғиш таътилига чиқдим. Биринчи фарзандим учун бериляётган нафақа тугади. Ҳомилдорлик ва туғиш нафақаси эса энг кам ойлик иш ҳақидан ҳисоблаб чиқилади. Шу тўғрисида?

**Н. САЛИМОВА,**  
Поп тумани, Уйғур кишлоғи  
Жавоб: меҳнат ва аҳолини ихтимой муҳофаза қилиш Вазирлиги, ҳамда молия Вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги 588,35-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Адлия Вазирлигиндан 2002 йил 14-мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтган «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тўлаш тўғрисида»ги Низомнинг 4-қисми иккинчи бандига асосан агарда болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш таътили даврида она иккинчи бола учун ҳомилдорлик ва туғиш таътилига ҳуқуқи бўлса, бундан онанинг хоҳишига кўра шу давр учун икки нафақадан биттаси тўланади.

Ҳомилдорлик ва туғиш таътили учун нафақа қайси фарзандига бериляётганидан қатъий назар ишлаётган аёлларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорини таъинланади ва тўланади.



## Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: ходимнинг иш берувчига етказган зарари учун моддий жавобгарлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз. Ходим иш жойига катта миқдорда зарар етказган бўлса ёки ходим ишдан

муносабатлари, асосан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат (198-210-моддалари) ва Фуқаролик (985-модда) Кодекслари асосида тартибга солинади. Ходимнинг моддий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзида қўйидаги шартлар бўлиши зарур:

- ҳақиқатдан ҳам зарар етказилган бўлиши;
- зарар ходимнинг ноқонуний ҳаракати ва ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлиши;
- етказилган зарар билан ходимнинг ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши;
- зарар етказишда ходимнинг бевосита айби бўлиши.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаш натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Зарар ходимнинг ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилгани дейилганда, ходимнинг қонунда ёки бошқа меърий ҳужжатлар, яъни ички меҳнат тартиби қоидалари, интизом тўғрисидаги низомлар, уставлар, йўриқномаларда белгиланган ҳизмат вазифаларини бузиш ёки бажарилмаслиги тушунилади. Қонун ёки бошқа меърий ҳужжат билан таъқиқланган ҳаракат гайриқонуний ҳисобланади.

Агарда зарар уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, ҳўжалик таваккалчилик оқибатида, охириги зарурат ёки зарурий мудоффа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг ҳаракатлари ноқонуний деб, ҳисобланмайди ва уни моддий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди.

Ходимга моддий жавобгарликни юкляш учун зарар етказишда унинг айби бўлиши зарур ва бу

айб қасддан ёки эҳтиёжсизлик оқибатида содир этилган бўлиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигида ходимларнинг моддий жавобгарлиги чегараланган бўлиб, бундай жавобгарликдан иборатдир.

Иш берувчи зарарни муайян ходимдан ундириб олиш тўғрисида қарор (буйруқ чиқаришдан) қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгиллаш ва унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун иш берувчи биринчи навбатда ходимдан тушунтириш хати талаб қилиши керак. Ходим тушунтириш хати беришни рад этиши иш берувчига етказилган зарар учун уни моддий жавобгарликка тортишга тўсиқ бўлмайди. Бу ҳолда уч кишидан кам бўлмаган ходимлар иш тирокида далолатнома тузилади.

Иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади.

- 1) махсус шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 2) бир марталик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;
- 3) қасддан зарар етказилганда;
- 4) алкоголь ичимликдан, гийҳавандлик ёки токсик таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;
- 5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

б) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати муассасанинг жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши зарур, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касба уюшма қўмитаси ўртасида келишувга асосан белгиланади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар асраш учун бериб қўйилган бойликлар сақланишини таъминлаш, қайта ишлаш, сотиш (беириш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш бобида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажариладиган лавозимлар ҳамда ишларнинг намунавий рўйхати 1996 йил 2 апрелдаги Меҳнат вазирлиги қоллегиясининг 214-сон қарори билан тасдиқланган.

Муассаса билан кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги лавозим ва ишларни бажаряётган ходимлар ўртасида тўла моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузишда қўйидаги шартлар мавжуд бўлиши зарур:

- а) ҳодим 18 ёшга тўлган бўлиши;
- б) қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (беириш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш учун бевосита ходимга топширилган бўлиши.

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома икки нусхада тузилади ва бир нусхаси ходим-

да, иккинчи нусхаси иш берувчида сақланади.

Ходимга ишониб топширилган моддий қимматликларни сақлашни таъминламаганлик учун моддий жавобгарликни юкляш ҳақидаги буйруқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ўрнини боса олмайд.

Ходим муассасага келтирган зарарни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлаши мумкин. Бу ҳолда иш берувчи ва ходимнинг келишувига биноан зарарни тўлаш мuddат қечиктириб қопланишига йўл қўйилиши ва ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият бериши мумкин. Агар ходим меҳнат шартномасини бекор қилса ва зарарни тўлашдан бош тортса, қарзининг узуимлай қолган қисми нотариял идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган етказилган зарар миқдори айбдор ходимдан иш берувчининг буйруғи асосида ундирилади. Буйруқ зарар етказилганиги аниқланган қундан бекор қилиб берилмайди.

Мабодо етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши керак бўлган миқдори унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган қундан кейин бир ойлик мuddат ўтган бўлса, ёхуд ходим ишдан бўшаб кетгандан сўнг аниқланса, зарар суд орқали ундирилади.

Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларини ва ходимнинг моддий аҳолини ҳисобга олиб, ундириладиган зарар миқдорини қаммайтириши мумкин.

Иш берувчи, бухгалтерия ходимлари шуни ёддан чиқармасликлари керакки, иш ҳақини зарар келтирган ходимга ҳар тўлаш вақтида иш берувчининг буйруғи ёки суднинг қарори асосида ушбу қолнадагидан ҳақининг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг элик фонидан ортиб кетмаслиги зарур.

Туронзамин даргалари

ВАТАННИ СЕВМАГАНЛАР БИЗДИН ЭРМАС

Рухан тетик, маънан баркамол, жисмонан соғлом фарзанд ўстириш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Чунки соғлом ва зукко ёшлар юрт таъини, ватан қудратидир. Бинобарин, Юртбошимизнинг эзгу ниятда фарзандларимиз биздан-да кўра кучли, билимдон, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт, деганлариди катта маъно бор.

ОДАМЛАР

МИННАТДОРЧИЛИГИ

шифокор учун катта мукофот

Клиникамиз оналар ва болаларни соғломлаштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, унда бир ойликдан 15 ёшгача бўлган болалар даволанади.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар шифохонамизда ҳам ўз ижросини топмоқда. Жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган моддий-техника базасига эгамиз. Буйрак-сийдик йўллари касалликларини даволашда лимфотроп ва лазертерапия усулларидан самарали фойдаланамиз. Умуман олганда сийдик йўлларидаги туғма нуқсонларни бартараф этишда жарроҳлик воситасида пластик даволаш усуллари қўлланилмоқда.

Даволаш ва муолажа юмушларида Япония, АКШ, Германия каби дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан келтирилган ультраовулошкани, электронцефалография, сунъий нафас олдириш аппаратлари, ускуналари болалар соғлигини сақлашда кўп келмоқда.

Касалхонадаги бемор болаларни даволаш, дори-дармон билан таъминлаш, бошқа тиббий-соғломлаштириш хизматларининг барчаси бюджет маблағлари ҳисобидан қопланапти. Ёки ҳар бир ўрин учун кунига 2652 сўмдан харажат қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди беморларни даволашда илмий тадқиқотлар ўтказишга алоҳида ўрин берилган. Мақсад – профилактика-даволаш ишларининг самардорлиги ва сифатини яхшилаш, шу асосда аҳоли ўртасидаги эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилада тиббий маданиятни оширишдир. Бу борада Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳи билан яқиндан илмий ҳамкорлик қилинмоқда. 4 та кафедра клиникамиз базасида болалар ўртасида кўп учрайдиган касалликларнинг диагностикаси соҳасида илмий изланишлар олиб борапти. Фарғона водийсидаги болалар касалликларини даволашга ихтисослашган кўпгина шифохоналар ҳақиқатлари ҳам жамоамиздаги даволаш-профилактика ишлари билан

Тотаси асли андижонлик бўлиб, Шокирхонхўжа эшон номи билан машҳур эди. Алихонтўранинг болалик давлари кенг табиат кўйида ўтди. Гўдаклик чоғиданоқ ундаги ўткир ақл-идрок ва заковатдан кўпчилик ҳайратланарди. Бу ҳақда Алихонтўра Соғунийнинг фарзанди Қутлугхон Шокиров шундай ҳикоя қиладилар. – XVIII аср охиридаги саҳни кенг, боғ-роғли ўзбек ҳовлиси. Ер тандирга ўт қаланган. Беш яшар Алихонтўра она атрофиди уймағлашиб юрибди. Она бир зум уйга кириб чиққунча гўдак йўқолади. Бирданига онаизорнинг фарёди оламни тутади: «Вой дод, болам нобуд бўлди, кўйди!» Уйдан югуриб чиққан Шокирхонхўжа ер тандир томон отилади. Болани унинг ичидан тортиб олади. Ух ошонинг, хоҳ ишонманг – бола соппа-соғ эди. Куйганликдан даярили асорат йўқ. Воқеага шохид бўлган оқсоқоллар: Каромат содир бўлди. Бу ўғил ўтда куймас, сувда чўкмас Ватан ўғлини бўлажак, гариб динимизга қувват бергусидир, — дея башорат қиладилар.

Болалик ва ўсмирлик йилларидаёқ Алихонтўра бир сўзлик, айни вақтда кўнгли юмшоқ, раҳмдил бўлиб ўсди. Кўпинча у билан суҳбатлашиб қолган кексалар боланинг юксак заковатига тан бериларди. Яна бир воқеа. 10-11 яшар Алихонтўрага дадаси чиройли бир кулун совға қилади. Бола уни еру-қўкка ишонмас, айлан-ўргилиб парваршиларди. Бир кун болалар югуриб келишиб унга: Алихон, ўткинчи козқ

ўрислари (казаклар) тойингни олиб кетаяптилар, дея хабар беришади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, оқ подшонинг эр-калари ҳисобланган казаклар ўша пайтларда маҳаллий халққа хоҳлаганларича зугум ўтказишар, истаган хонадонга кириб, кўнгиллари тусадан нарсаларини тортиб олишарди. Уларнинг қилчилари-ю қамчилари-дан омон қолган жабранувчи дардини кимга айтмасин, бей-фойда эди.

Ота-онанинг ҳай-ҳайлагани қарамай, бундай зулмга чидай олмаган Алихон бошқа отга миниб, казакларни қувиб кетади. Етиб олиб, жон ҳолатида тойчоқнинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олади. Бош-кўзи мўмталок бўлиб, қамчи зарбидан шир-шир қон оқса-да, казаклар уни тойчоқдан ажратди. Охири босқинчилар ҳалойиқ тўпланаётганини кўриб, ўлжадан воз кечиб, сўкина-сўкина жўнаб қоладилар. Мана шу воқеанинг ўзидеёқ ёш ўсирида босқинчиларга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотган бўлса, ажаб эмас.

Шокирхонхўжа фарзандлари тарбиясига жиддий аҳамият берганлиги ҳам таҳсинга сазовор. У туқунлиқнинг чиркин руҳи фарзандларига сингиб қолмаслиги учун Олимхонтўра ва Алихонтўраларни Макка шаҳрига олиб бориб, ўқишга жўлайди. Талабалик йиллари Алихонтўра араб, форс ҳамда турк тилларини мукамал даражада эгаллайди. Илоҳиёт илмларидан тафсири, ҳадис ҳамда фикҳ (Ислом ҳуқуқшунослиги), мантиқ бўйича хавас қилгудек илм ола-



Архив

ди. Сиеъат ҳамда ҳарбий соҳага қизиқиш ҳам ўша пайтда унга тинчлик бермасди. Бўш қолди дегунча усмонли турк ҳарбий қисмлари жойлашган ерга келар, уларнинг машқларини соқатлаб кузатиб чарчасмасди.

Арабистондаги таҳсил маълум даражага етгач, икки ўғилнинг ўқиши Бухоронинг Амир Олимхон мадрасасига кўчирилади. Туғма илм ошиғи бўлган Алихонтўра бу ерда диний билимлар билан бир вақтда шеърят, мусика, жўрофия, хандаса, фалкиёт, тарих ҳамда табобат илмларини ҳам кунт билан ўрганади. У мадраса сабоқларини тўлақонли ўзлаштириш билан бир қаторда бошқа фанлардан етук ҳисобланган мударрисларнинг топиб, уларга ҳақ тўлаб хусусий дарслар олади.

1910 йилнинг бошларида ака-ака Бухородаги таҳсилни ҳам ниҳоясига етказиб, устозларидан оқ фотиҳа олиб, туғилган шаҳарлари Тўқмоққа қайтишади. Диний маърифат ишлари билан кенг қўламада шуғулланидилар. Тирикчиликни эса отаморос касб – деҳқончилик ва табибчилик билан тебратиб турадилар. Ок-

тябр тўнтарини кўпчилик турлича қутиб олади. Лекин болшевикларнинг бу найранги чор Россиясининг босқинчилик, сиеъатини узвий давоми эди, холос. Бу ҳақда Алихонтўра Соғуний шундай хотирлагандилар:

«1917 йилги октябр тўнтарилшидан сўнг шўролар бутун дунёга жар солиб, хуррият ҳақида ваъда бердилар. Аммо кўп вақт ўтмаёқ реал воқелик бутунлай бошқача бўлиб қичди. Синфий кураш таълимотининг амалдаги кўриниши бўлган Қизил террор (дахшат солиш) на-тижасида маҳаллий аҳоли ён-пасига қиргин қилинди. Диний ва умуман ўқимшли зиёлилар муттасил йўқ қилинди. 1919 йил охирида Пишпақка қарашли қишлоқлар аҳолиси исён кўтардилар. Коммунистар 800 ки-шини ҳайдаб келиб, бозор ўртасида пулемётга тутдилар. Булар ичида ўқ тегмай қолган ва ярадор бўлганларини қизил аскарлар ораляб юриб, найзалаб ўлдиридилар.»

Табиийки, Алихонтўра Соғуний бундай адолатсизлик билан келиша олмасди. Унинг ўй-фикри доимо ўз халқини муста-млақачилардан озод қилиш билан банд эди. Ўттинчи йилларга келиб шўролар уни олтинчи марта ҳибсога олади-лар. Лекин у турмадан қочишга муваффақ бўлади. Яшири-ниб юриб, кўп азоб-уқубатлар чекиб, Шарқий Туркистонга ўтиб кетади. У 1945 йил 8 апрелда барпо этилган Шарқий Туркистон миллий армиясининг бош ташаббускори бўлиб, унинг аҳоли ўртасидаги обрўси ниҳоятда баланд эди. Чунки унинг билми ҳамда юксак инсоний фазилатларини ўзида мужас-самлаштирганлиги ҳамда ўткир нотикият санъати унга шу им-кониятни берганди. Бу ҳақда уйғур ёзувчиси Абдуқодир Зун-нун шундай хотирлайди.


«Тўраман нутқларини тинглаш учун одатда кўп минглаб одамлар йиғилишарди. Сўз бошлаганларида пашша учса эшитиладиган жимлик чўқарди. Мавзуни тингловчиларга баён қилиб, уни рад этиб бўлмай-диган далиллар келтириб муста-тақамлардилар ва мавзунини кундалик воқелиқнинг долзарб масалаларига боғлардилар. Истиклол йўлида жонбозлик қилган ва қилаётганларнинг шарафли номлари албатта қайд этилар ва эшитувчилар бундан қаттиқ таъсирланиб, ҳиссиётлари зўрлиғидан ўзларини дарахт ва симёғочлардан ташлаб юборардилар.»

Алихонтўра Соғунийнинг сўнги 30 йиллик ҳаёти бевосита Тошкентда ўтди. Шу вақт мобайнида у «Тарихи Муҳаммадий», «Туркистон қайғуси» каби асарлар яратди. Амир Темурнинг «Темур тузуқлари», Аҳмад Донишнинг «Наводир ул Вақое», Дарвеш-шера Чангйининг «Муסיқа рисо-ласи» асарларини ўзбекчага ўғирди. Чунки бу асарлар халқимизнинг маънавиятини бойитишда жуда катта ҳисса бўлиб қўшилишини улкан олим ўша пайтдаёқ чуқур ту-шуниб етганди. У куйидаги тўртликни ёзганди:

Ватанни дўст туттиш  
иймондан эрмиш,  
Онинг-чун ҳақ Расулдин нақл  
бўлмиш.  
Ватанни севмаганлар биздин  
эрмас,  
Буни ким билмас аймонга  
кирмас.

Алихонтўра Соғуний бутун умр ушбу фалсафага содиқ қолди ва бу ишни ўзининг виждоний бурчи, дея билди.

Неъмат РАФИКОВ  
Суратда: Алихонтўра Соғу-ний ўғли Маҳаммадийхон-тўра Шокиров билан.



Искандар ХАМИДОВ, Андижон вилояти 1-вилоят болалар клиник касалхонаси бош ҳақими

Хуш хабарлар ЭНГ СЎЛИМ ГЎША

Бўстонлик туманининг Хондойлик қишлоғида жойлашган болалар оромгоҳларидан бири «Автомобилчи» деб номланади. «Тошшаҳарйўловчи» Давлат уюшмасига қарашли бу сўлим гўшада бу йил ҳам болакайларнинг кий-чуви авжга минаяди.

Транспортчилар фарзандларининг ёзи таътилда мириқиб дам олишлари учун бу ерда катта тайёр-гарлик ишлари олиб борилди. Янги шийпончалар, гулзорлар барпо этилди. Сўлим бог уюшманинг ўнга яқин автосаройи ишчи-хизматчилар ўғил-қизларини ҳадемай ўз бағрига олади. Бундан ташқари, уюшмага қарашли «Трамвайчи» болалар оромгоҳларида янги мавсум олдидан пухта ҳозирлик ишлари амал-га оширилди. Дам олувчилардан маълум қисми учун касба уюшмаси томонидан бепул йўлланмалар аж-ратилди.

МАРКАЛАРГА ҚИЗИҚИШ

Бундан ўн йил аввал «Ўзбекистон маркази» хис-садорлик жамияти ўз фаолиятини бошлаган эди. Бу ерда тайёрланиб чоп этилган дастлабки маркалар Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йилга ба-ғишланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва байроғи акс эттирилган рангли маркалар тезда оммалашди.

Ўтган йиллар давомида қатор тарихий шахслар юбилейлари бағишланган маркалар ҳам босиб чи-қарилиди. Маданият ва санъат арбобларига доир энг яхши расмлар қатор маркаларда ўзининг бадий ифодасини топди. Жамият рессам ва безакчилар-нинг яшил табиат ва ҳайвонот оламига бағишланган ижод намуналари қатор нашрларда сайқал топди.

Кейинги йилларда босиб чиқарилган маркалар бўйича китобчалар босмага тайёрланди. Маркалар жамланмаса эса каталог нашрдан ўрин олди. Ҳозир бундай каталогнинг навбатдаги наشري босмага тай-ёрланмоқда.

«Ўзбекистон Маркази» жамияти ўзининг 10 йил-лигига атаб янги маркалар мажмуасини ҳозирлади. Акбар АЛИЕВ

Тадбир ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

мусобақа якунига кўра ҳеч ким ютқазмади

Термиз шаҳрида халқ таълими ходимларининг аъёнаний VII спартакиадаси ўтказилди.

Мусобақаларга пухта ҳозирлик қилиб келган 378 нафар спортчи шохмёт, ушбоқ, стол тенниси ва волейбол бўйича баҳсга киришдилар. Қизилқарли ва кескин курашлар остида ўтган учрашуларда Термиз шаҳри, Денов, Сариев, Узув, Музабод туманлари жамоалари жуда фаол қатнашди. Волейбол бўйича мусобақалар фақат аёллар ўртасида кеңди. Унда Денов тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Музабод тумани жамоасига иккинчи ва Узув тумани жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Айтиш жоизки, мухлислар стол тенниси баҳсларидан катта қониқиш ҳосил қилди-лар. Эркақлар ўртасида Тер-миз тумани вакили Ш.Умар-хонов шохушунинг энг юқори поғонасига кўтарилиди. Сариевнинг тумани вакили С.Қутлимуродов иккинчи, Ки-зиқ туманидан келган Б.Холбоев учинчи бўлди.

Аёллар ўртасида баҳслар-да эса Шеробод туманилик Гулнора Норовага тенг кел-диган рақиб топилмади. Тер-

миз шаҳридан С.Рахмонова ва Сариевнинг туманидан Х.Амино-ва ва кейинги ўринларни эгал-лашди.

Шохмёт бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам ўзинга хос ку-рашлар остида ўтди. Эркақлар ўртасида Термиз шаҳри ваки-ли Асомиддин Химойидинов голиб қичди. Сариевнинг тумани вакили Раҳимжон Зарипов иккинчи, Шўрчи туманидан Чори Соатов учинчи ўринни банд этди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда Термиз шаҳри ваки-ли Хосият Ашурова барчани ўзинга қаратди. У ажойиб ком-бинациялар қўлаб, кетма-кет галабаларга эришиб, энг кўп очко тўплади. Шунингдек, ол-тинсойлик Муҳаббат Чориева ҳамда узушлик Шаҳноза Икро-моваларнинг савй-ҳаракатла-ри ҳам муносиб баҳоланди.

Шашка бўйича ўтказилган мусобақаларда Узув тумани вакили Ашраф Қурбонмуродов фахрли биринчи ўринни эгаллади. Узув тумани ваки-ли Файрат Фармонов иккин-чи, Сариевнинг тумани вакили Камолиддин Муродов учинчи ўринга лойиқ топилди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда Термиз

Огоҳ бўлинг! АГАР ҲАРОРАТИНГИЗ ТУШМАСА

Ҳозирги вақтда бутун жа-ҳон соғлиқни сақлаш ходим-лари олдиди янги муаммо пайдо бўлди: файриоддий зотилжам. Бу хавфли юкум-ли касаллик асосан Осиё, хусусан, Шарқий Осиё мам-лакатлари аҳолиси ўртаси-да тарқалмоқда. Шукрки, бизнинг республикамизда файриоддий зотилжам билан касалланганлар кузатила-гани йўқ. Бирок бу хотир-жамликка берилиш дегани эмас. Зеро, файриоддий зо-тилжам ёки огир ўткир юкумли респираторий син-дром (ОУРС) деб юритила-ётган бу хасталик нафас йўлларининг шомолишига ўхшаш ўта хавфли касаллик-дир. У кишиларнинг бир-бири билан яқин масофада

алоқада бўлиши оқибатида ҳаво томчилари орқали юқади. Касаллик ташувчи вирус ҳатто бемор фойдаланган жисмдан, масалан, телефон гўшагидан ҳам юқиши мумкин. Негаки, вирус қолдирилган жойда 3-6 соат яшади ва кўз, бурун ҳамда нафас йўллари орқали соғлом кишилар организмга ўтади.

Файриоддий зотилжам билан касалланган беморларда кўп ҳолларда ҳарорат кўтар-лади, қуруқ йўтал, нафас йўлларининг бўғилиши, баъ-

ҲАР ОЙНИНГ ОХИРГИ ЯКШАНБАСИ футбол куни

Бундан икки йил муқад-дам «Камолот» ёшлар ижти-моий ҳаракати ташкил этил-ган эди. Ёшларнинг ҳуқуқий, сиеъсий билимларини оши-риш, дунёқарашини бойи-тиш, уларни соғлом, барка-мол замон талабларига жа-воб бера оладиган қиёб қилиб тарбиялаш, Ватанга содиқ ва муносиб инсон бўлиб етишларида бу ҳаракатнинг ўрни беҳисоб. Бу борада ҳаракатнинг Мирашўр тўман кенгаши амалга ошираётган ишлар мақтовга аризулиқ-дир. Туманда 16 миң 116 нафар ёшлар бўлиб, улар 54 та бошланғич ташкилот тасар-руфиди беришган. Тўман кен-гаш ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшма туман кўмитасининг ягона мақсади ёшларни иш билан таъминлаш-дир. Ўтган йили бозор иқтисо-диёти талабларидан келиб чи-қиб, ишсизлик муаммосининг олдини олиш, янги иш жойла-рини ташкил этиш, ёшларни иш билан таъминлаш, миллий ҳунармандчилик, касб-ҳунарга ўқитиш ва йўналтириш мақса-ди-де телевизор таъмирлаш ус-улини таъмирлаш икки марта

да жойлашган бичиш-тиқиш цехлари ўз касб-ҳунарларини тарғибот қилдилар. Ярмарка-да иштирок этган 62 нафар фуқародан 36 нафари иш билан таъминланди. Шундан 16 нафарини ёшлар ташкил эта-ди. 19 нафар хотин-қиз уста-шогирт услубида қайта ўқиш-га юборилди.

«Камолот» ёшларнинг су-янчиғи бўлиб бормоқда,- дей-ди ҳаракатнинг тўман кенга-ши раиси Қалдирғоч Қожабо-ева. – Тўман ҳокимининг бе-восита ташаббуси билан қатор тадбирлар ўтказиб турибмиз.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эшонбоев, Қудратилла Рафқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.15

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.